



«23» *сентябр* 2013 йил

№ *343-к*

ҚАРОР

*Савдо ва маиший хизмат
кўрсатиш шаҳобчаси қуриш
учун ер майдони танлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25-февралдаги № 54-сон «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хужалигига оид бўлмаган бошқа эхтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Самарқанд вилоят ҳокимининг 2013 йил 6 мартдаги № 62-Қ сонли қарорлари ижросини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Ер ва Шаҳарсозлик кодексларига мувофиқ уларнинг ерлардан қурилиш учун оқилона фойдаланиш мақсадида, Каттақўрғон шаҳар архитектура ва қурилиш бўлими бошлиғи, бош архитектори К.Худояровнинг 2013 йил 25 апрелдаги № 44 сонли хатини, Каттақўрғон шаҳар А.Яссавий кўчаси 37 уйда яшовчи фуқаро Хамраев Мухаммаджоннинг шаҳар ҳокими номига ёзган аризасини, Каттақўрғон шаҳар Хамраев Мухаммаджоннинг шаҳар ҳокими номига ёзган аризасини, Каттақўрғон шаҳар ҳокимининг 2011 йил 29 июлдаги 44-Ф сонли «Каттақўрғон шаҳрида шаҳарсозлик ва ер танлаш тўғрисида»ги фармойиши билан тузилган комиссия аъзоларининг далолатномасини инобатга олиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Каттақўрғон шаҳар ҳокимининг 2011 йил 29 июлдаги 44-Ф сонли «Каттақўрғон шаҳрида шаҳарсозлик ва ер танлаш тўғрисида»ги фармойиши билан тузилган комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.
2. Каттақўрғон шаҳар ҳокимининг 2012 йил 25 январдаги 60-Қ сонли қарори бекор қилинсин.
3. Каттақўрғон шаҳар А.Яссавий кўчаси 37 уйда яшовчи фуқаро Хамраев Мухаммаджонга Каттақўрғон шаҳар Қорадарё кўчаси атрофида 960 кв.метр ер майдонида замонавий талабларга жавоб берадиган лойиҳа асосида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаси қуриш ва атрофида ободонлаштириш ишларини амалга оширишга рухсат берилсин.
4. Каттақўрғон шаҳар А.Яссавий кўчаси 37 уйда яшовчи фуқаро Хамраев Мухаммаджонга белгиланган тартибда келишилган лойиҳа-смета ҳужжатлари (кейинги ўринларда қурилиш лойиҳаси деб аталади) асосида ер участкасини ажратиш ҳужжатларини расмийлаштириш юкланади. Ушбу қарор объектни қуришга муҳандислик корхоналардан техник шартлар ва тегишли бўлимлардан рухсатномалар олиш учун асос ҳисобланади.
5. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимлиги бош мутахассиси У.Хошимов ҳамда Архитектура ва қурилиш бўлими зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими:

С.З.Раззақов